

**ШАРТНОМА №
ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ
ШАРТНОМАСИ № 06**

Жиззах ш.

08 июн 2022-й

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладига Жиззах давлат педагогика институти номидан «Низом» асосида иш курувчи Ш.С.Шарипов бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Сўз сунг зоб» номидан «Низом» асосида иш курувчи Султонов М иккинчи томондан А.Кодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтига карашли Ш.Рашидов тумани Гандумтош КФЙ Куёвбоши маҳалласи Фориш кучасида жойлашган 12-сонли укув биносими жорий таъмиглашга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисидаги"ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz маҳсусе ахборот портали орқали (Лот рақами 2094149) ва Жиззах давлат педагогика институти харид комиссиясининг 2022 йил баённомасига асосан куйидаги шартномани туздилар:

I. ТАРИФЛАР

1. 1 Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кўлланилади:

ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига А.Кодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтига карашли Ш.Рашидов тумани Гандумтош КФЙ Куёвбоши маҳалласи Фориш кучасида жойлашган 12-сонли укув биносими жорий таъмиглаш учун лойихада кўзда тутилган таъмиглаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов савдоси комиссиясининг қарори (электрон баённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда 1 574 925 000 (Бир миллиард беш юз етмуш тўрт миллион тўккиз юз йигирма беш минг) сўм ни ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- обьектнинг жорий таъмиглаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгib бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш; Курилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклани;

қурилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегинли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини обьект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва карор қабул қилиш;

белгиланган ишлар кийматининг **15 фоизи микдорида бўнақ (аванс)** бериш молиялаштиришни амалга оширади;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома:

имзолаган пайтдан бошлаб Жиззах вилояти Газначилик булимидан рўйхатдан утгандан сунг миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома конун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган қурилишининг давом этиши вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 15 фоизи микдорида, иши бошланиш ойидан аванс утказади, 236238750 сўмни ташкил этади.

Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-хисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан фоиз хисобида тақсимланган ҳолда ушлаб колиб, амалга оширилади.

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини, техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-оширади, таъминланган шартнома шартларига ва иши хужжатларига мувофиқлигини текширади.

Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукуқига эгадир.

Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари. ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарida янгидан қурилган коммуникацияларни уланини Пудратчи амалга оширади.

Пудратчи ўзи томонидан қурилишида қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиға хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишида хабардор килади.

Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишназорат" инспекцияси билан келишган шартларida беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажарishiga киришади.

Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларниң исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатлариға жиддий таъсир килмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларниң қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларниң сифатсиз бажарилганини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларниң зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сириради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларниң бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларниң бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларниң қабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларниң бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан кониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтирида ўз фикрини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равища кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга кадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк обьект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равища узайтирилади.

Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларниң оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қиласди учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиласдилар.

Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларниң ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳаклидир.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ОГОХЛАНТИРИШ

Томонлар буни ёълон қилишади:

- Томонлар, уларниң аффилланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиш ва/ёки коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари

талабларини бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/харакатсизлик қилмайдилар
- Томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғлик) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакилларини, шу жумладан пул суммалари, совгалар бериш, уларга бепул хизмат кўрсатиш ёки ушбу ходим ёки ваколатли вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига бирон-бир ҳаракат/харакатсизлик бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш орқали рағбатлантиришдан бош тортадилар.

6.1-банднинг коидаларини бузиш содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган шубҳалар мавжуд бўлса, мазкур шартноманинг тегишли томони бу ҳақда иккинчи томонни хабардор килиши, коррупцияга қарши курашиб соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари нормалари бузилганлиги фактининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлган такдирда еса, амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар хам хабардор килиши шарт.

X. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XI. КАФОЛАТЛАР

Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидан кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

Объект ва унга қирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1(бир) йил этиб белгиланади. Объект кафолатли муддати камида 1(бир) йил этиб белгиланади.

Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукукига эга.

Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат килишини истисно этмайди.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

Мазкур шартномани бекор қилишга қарор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларидан ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларидан ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳакини ўз вактида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи

"Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фойзи микдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганилиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мulkning йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1 Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жиззах туманларора иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. АЛОХИДА ШАРТЛАР

Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикиришига ҳаклидир.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

Мазкур шартнома газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунигача кадар амал килади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

Пудратчи
«OBI SANGZOR» x/k

Дустлик туман Чинобод МФЙ 16-үй

Тел: _____

Жиззах ш. Ипотека банк Жиззах

филият филиали

ИНН: 205172807 МФО: 00122

Х/Р: 20208000904353235001

БЮОРТМАЧИ:
А.Кодирий номидаги Жиззах давлат

педагогика институти
Жиззах шахар Ш.Рашидов кучаси 4

уй
Тел 72 226 13 57

Узбекистон Республикаси Молия
вазирлиг Газначилиги

X/Р: 2340 2000 3001 0000 1010

Марказий банк Бош бошқармаси
ХККМ

МФО 00014 СТИР 200 343 003

Н/Р: 40910860084017094100079003

Газиёним мөассасаси СТИР: 201 122 919



М.Султонов



С.Ш.Шарипов

[Signature]



«Асдиқлайман»

Жиззах Давлат педагогика институти
ректоры
Ш.С.Шарипов
2022 йил
56

**А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат Педагогика институтига қарашли
Шароф Рашидов тумани Гандумтош ҚФЙ Куёвбоши махалласи Фориш күчасида
жойлашган 12-сонли талабалар ўкув биносини жорий таъмирлаш ишлари учун**

МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 4/684

2022 йил «8» Июнь

Жиззах шаҳар.

Жиззах Давлат педагогика институти ректорининг 2022 йил «29» марта №118-У
сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссия аъзолари қуйидаги таркибда

Катнашдилар:

Институт молиявий-иктисодий ишлари бўйича проректори

Ф.Тўраев

танлов комиссиясининг раиси:

А.Нуруллаев

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ:

А.Қорефдиев

Институт бош аудитори

Б.Суяров

Институт бош ҳисобчиси

С.Суванов

Институт бош мухандиси

О.Жуманов

Институт ўқитишининг техник воситалари бўлими бошлиғи

А.Умирзоқов

Институт давлат харидлари бўйича мутахассиси

И.Исаев

Институт коррупцияга қарши кураш “комплаенс-назорат”

Тизимини бошқариш бўлими бошлиғи

МАЪСУЛ КОТИБ:

Институт бош ҳисобчи ўринбосари

А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат Педагогика институтига қарашли Шароф
Рашидов тумани Гандумтош ҚФЙ куёвбоши махалласи Фориш күчасида жойлашган
12-сонли талабалар ўкув биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича давогар
ташкилотлар.

Кун тартиби:

№	Махсулот номи	Ўзичов бирлиги	ООО “JIZZAX YO’L QURULISH-TA’MIRLASH”		ОВИ “SANGZOR” X/F		Тақдим этишади	
			Тўплаган бални	Суммаси	Тўплаган бални	Суммаси	Тўплаган бални	Суммаси
1	Институтга қарашли Шароф Рашидов тумани Гандумтош ҚФЙ куёвбоши махалласи Фориш күчасида жойлашган 12-сонли талабалар ўкув биносини жорий таъмирлаш ишлари	Хизмат	77,87	1 578 001 568	95,75	1 574 925 000	0	0
	Жами			1 578 001 568		1 574 925 000		0

1- ООО “JIZZAX YO’L QURULISH-TA’MIRLASH” 1 578 001 568 (Бир миллиард беш юз етминн саккиз милион бир минг беш юз

олтминш саккиз) сўм

2- ОВИ “SANGZOR” X/F 1 574 925 000 (Бир миллиард беш юз етминн тўрт милион тўқказ юз йигирма беш минг) сўм

Талабгорлар томонидан танловга тақдим этилган хужжатлар тўғри исмийлаштирилганлиги, тузилганлиги ва тўлиқ хажмда тақдим этилганлигини комиссия аъзолари аниқлади. А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат Педагогика институтига қарашли Шароф Рашидов тумани Гандумтош ҚФЙ куёвбоши махалласи Фориш кўчасида жойлашган 12-сонли талабалар ўқув биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларни танлов иштирокчиларига ўқиб эшиттирилди. Шу муносабат билан баҳолаш комиссияси аъзолари талабгорларнинг таклифини ўрганиб чиқаётганда, энг сифатли ва самарали таклифлар амалга оширилишига ва асосланганлигига эътибор берилиши лозимлиги тақидланди.

КАРОР КИЛАДИ:

Комиссия аъзолари: А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат Педагогика институтига қарашли Шароф Рашидов тумани Гандумтош ҚФЙ куёвбоши махалласи Фориш кўчасида жойлашган 12-сонли талабалар ўқув биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича талабгорлар томонидан тақдим этилган таклифларни кўриб чиқиб 081 "SANGZOR" X/F билан шартнома тузишга карор чиқарилди ва 081 "SANGZOR" X/F хисоб ракамига 1 574 925 000 (Бир миллиард беш юз етмиш тўрт миллион тўққиз юз йигирма беш минг) сўм пул маблағини институт пул ўтказиш йўли билан тўлаб беришга келишилди.

Комиссия раиси:

Ф.Тўраев

Комиссия аъзолари:

А.Корёғдиев

С.Суванов

А.Нуруллаев

О.Жуманов

А.Умирзоқов

Б.Суяров

Маъсул котиб

И.Исаев

08.06.2022 йил.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI
JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI REKTORINING
BUYRUG'I

2022.29.03 № 118-у

Jizzax sh.

Xarid komissiyasi tuzish to'g'risida

O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonuni 3-bob 20-moddasi talablaridan kelib chiqqan holda 2022 yil institutda amalga oshirilishi ko'zda tutilgan qurilish-ta'mirlash ishlari bo'yicha tanlov o'tkazish va shartnomalarni rasmiylashtirish maqsadida

B U Y U R A M A N:

1. 2022 yil institutda amalga oshirilishi ko'zda tutilgan qurilish-ta'mirlash ishlari bo'yicha tanlov o'tkazish va shartnomalarni rasmiylashtirish uchun quyidagi tarkibda xarid komissiyasi tuzilsin:

Komissiya raisi:

F.Turaev — Moliya-iqtisod ishlari bo'yicha prorektor;

Komissiya a'zolari:

A.Nurullaev — Bosh auditor, rais o'rinosari;
Axmedov X. — O'qitishning texnik vositalari bo'limi boshlig'i;
B.Suyarov — Bosh muxandis;
A.Qoryog'diev — Bosh hisobchi;
A.Umirzoqov — Korrupsiyaga qarshi kurashish "komplaens-nazorat" tizimini boshqarish bo'limi boshlig'i;
S.Suvanov — Xarid bo'yicha mutaxassis;

Mas'ul kotib:

I.Isaev — Bosh hisobchi o'rinosari.

2. Xarid komissiyasi o'z faoliyatini O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunga muvosiq olib borilishi ta'minlansin.

3. Komissiya tarkibidagi xodim o'zgargan yoki vaqtincha ishda bo'limgan taqdirda uning o'rniiga tayinlangan xodim "Qurilish-ta'mirlash ishlari bo'yicha tanlov o'tkazish va shartnomalarni rasmiylashtirish" bo'yicha xarid komissiyasi a'zosi sifatida tan olinsin.

4. Komissiya tomonidan shartnomalarni rasmiylashtirishda yuridik xizmat xulosasi olinishi ta'minlansin.

5. Ushbu buyruqni elektron hujjat almashish tizimi orqali tarqatish devonxona mudiri X.Dushaboev zimmasiga yuklatilsin.


6. Mazkur buyruqning ijrosini nazorat qilish Moliya-iqtisod ishlari bo'yicha prorektor F.Turaev zimmasiga yuklatilsin.

ASOS: O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonuni.


REKTOR

SH.SHARIPOV

Loyiha Kirituvchi:
Moliya - iqtisod ishlari
bo'yicha prorektor
F.Turaev




Kelishildi:
Bosh auditor
 A.Nurullaev

O'qitishning texnik
vositalari bo'limi boshlig'i
 X.Khmedov

Bosh muzandis
 B.Suyarov

Bosh hukmchini
 A.Qoryog'diev
Korrups yaga qarshi kurashish
"komplaens-nazorat" tizimini
boshqarish bo'limi boshlig'i:

 A.Umirzoqov
Xurid bo'limiga mutaxassis
 S.Suvanov

Jismoniy va yuridik
shaxslarning murojaatlari
bilan ishlash, nazorat va
monitoring bo'limi boshlig'i
 I.Qirjigitov

Huquqshunos
 A.Aliqulov
Bosh hukmchini o'rinsbosari
 I.Isaev

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 94149 на приобретение А.Кодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтига карашли Ш.Рашидов тумани Гандумтош КФЙ Куёвбоши махалласи Фориш кучасида жойлашган 12-сонли укув биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 03.06.2022

Время рассмотрения 03.06.2022 15:35

Конкурсная комиссия Жizzакский государственный педагогический институт им.А.Кодирий, (Далее - Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	TURAYEV FURKAT XAZRATOVICH	Молия-иқтисод проректор	Жиззах давлат педагогика институти
Секретарь комиссии	ISAYEV INOMJON KOMILJONOVICH	Бош хисобчи ўринбосари	Жиззах давлат педагогика институти
Член комиссии	NURULLAYEV AXROR OBLOQULOVICH	Аудитор	Жиззах давлат педагогика институти
Член комиссии	JUMANOV OLIM FARMONOVICH	Харидлар буйича мутахассис	Жиззах давлат педагогика институти
Член комиссии	QORYOG'DIYEV ARTUR ZAYNIDDINOVICH	Бош Хисобчи	Жиззах давлат педагогика институти
Член комиссии	SUVANOV SAXOB BERDIYEVICH	Ўқитишинг техника воситалари бўлими бошлиғи	Жиззах давлат педагогика институти

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявленнию на специальном информационном портале от 03.06.2022 года № лота 94149.

Метод оценки предложений - Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	А.Кодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтига карашли Ш.Рашидов тумани Гандумтош КФЙ Куёвбоши махалласи Фориш кучасида жойлашган 12-сонли укув биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1598 172 467.00
Стартовая сумма	1598 172 467.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Машина механизмлар тугрисида Наличие собственных (или приобретенных по лизингу, аренды и субподряда) строительных машин и механизмов не менее 3 единиц.

Тип: Текстовое значение

Описание: В качестве подтверждения информации, прикладываются документы на право собственности машин и механизмов, оборудования и приборов. Допускается использование машин и механизмов, оборудования и приборов на условиях аренды и субподряда. При этом участник должен приложить копию договора аренды и/или субподряда, действительного на период реализации проекта с гарантийным письмом арендодателя, что данная техника не будет отвлечена на другие работы до завершения объекта - предмета отбора наилучших предложений;

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBI SANGZOR XФ	15	корхонамиз балансида техникалар мавжуд ва ижара асосидаги маҳсус техникалари хам мавжуд, маълумотлар илова килинади	10	Экспертная		
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	15	Машина механизмлар руйхати	15	Экспертная		

Критерий №2 1 Инженер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тугрисида маълумот . 1 Наличие дипломированных инженеров-строителей - производителей работ (начальник участка, прораб, мастер, инженер механик) со стажем работ не менее 3 лет, 5 человек.

Тип: Текстовое значение

Описание: К данной таблице участник прилагает подтверждающие документы (копии трудовых книжек, договора найма, дипломы и т.п.).

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBI SANGZOR XФ	15	корхонамизда 33 нафар малакали ва доимий хамда 18 та мавсумий ишчи ходимлар мавжуд, шу жумладан куп йиллик иш тажрибасига эга инженер техник ходимлар фаолият юритади, маълумотлар илова килинади	15	Экспертная		
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	15	Ишчи ходимлар маълумоти	15	Экспертная		

Критерий №3 Банкротлик хавфи мавжуд эмаслтги хакидаги маълумотнома Отсутствие введенных в отношении них процедур банкротства

Тип: Текстовое значение

Описание: В случай который участники не предоставили справку автоматический отстраняется от участия в закупочных процедур

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBI SANGZOR XФ	5	Корхонамиз: банкротлик, кайта ташкил этиш, тугатиш жарайнларида эмас, гувохнома ва сертификатлар актив холатда, илова килинади	5	Экспертная		
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	5	Банкротлик хавфи мавжуд эмас	0	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок этадиган корхонанинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги ёқлиги тўғрисида Отсутствие просроченной задолженности по уплате налогов и сборов

Тип: Текстовое значение

Описание: В случай который участники не предоставили справку автоматический отстраняется от участия в закупочных процедур

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBI SANGZOR XФ	5	корхонамизнинг солик ва бошка мажбурий туловлардан карзи мавжуд эмас, маълумотномалар илова килинади	5	Экспертная		
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	5	Бугунги кун холатига солик ва бошка идоралардан қарздорлик мавжуд эмас	5	Экспертная		

Критерий №5 Танловда иштирок этадиган корхонанинг банк қарздорлиги мавжуд емаслтги хамда обектни бажариш учун айланма маблаги мавжудлиги хакидаги банк малумотномаси Сведения из банка с информацией об отсутствии/наличии обязательств перед Банками и наличие необходимых финансовых ресурсов для исполнения договора

Тип: Текстовое значение

Описание: В случай который участники не предоставили справку автоматический отстраняется от участия в закупочных процедур

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBI SANGZOR XФ	10	Корхонамизнинг хозирги кун холатига солик ва бошка	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		мажбурий туловлардан карзи мавжуд эмас ва хисоб ракамда айланма маблаги мавжуд, объектнинг дастлабки кийматининг 50 % микдорида уз айланма маблаги мавжуд, маълумотномалар илова килинади				
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	10	Бугунги кун холатига солик ва бошка идоралардан карздорлик мавжуд эмас	10	Экспертная		

Критерий №6 Карруция холатларига йул куймаслик хакидаги ариза Заявления по недопущению коррупционных проявлений

Тип: Текстовое значение

Описание: В случай который участники не предоставили заявлений автоматический отстраняется от участия в закупочных процедур

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBI SANGZOR XF	5	корхонамиз тмонидан коррупция холатларига йул куймаслик амалдаги конунчиликларга асосан кафолатланади, буюртмачи билан афилланганлик холатлари мавжуд эмас, ариза илова килинади	5	Экспертная		
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	5	Коррупция холатларига йул куйилмайди	2	Экспертная		

Критерий №7 Иштирокчи хакида умумий маълумот. Общая информация об участнике

Тип: Текстовое значение

Описание: Участник должен предоставить общую информацию о компании: банковские реквизиты, юридические адреса, номер и дата регистрации, информация об учредителях и бенефициарах (ИНН и Ф.И.О. учредителей). Если все эти информации не предоставлены оценивается по минимальным бал

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBI SANGZOR XF	10	корхона 2005 йил давлат руйхатидан утган булиб, хозирги кунга кадар фаолият	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		юритиб келмокда ва курилиш ташкилотлари рейтингида ВВ категорияга эга, маълумотлар илова килинади				
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	10	Умумий малумотлар	10	Экспертная		

Критерий №8 Иштирокчи корхонанинг охириги З йиллик баланс ва молиявий натижалари. Финансовых результатов предприятия за последние три года.

Тип: Текстовое значение

Описание: В случай который участники не предоставили автоматический отстраняется от участия в закупочных процедур

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBI SANGZOR XФ	5	корхонамиз молиявий холати яхши, топширилган баланс ва молиявий натижалар хисоботлари тақдим килинади	5	Экспертная		
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	5	баланс маълумотлари тақдим килинди	2	Экспертная		

Критерий №9 Обектни бюртмачи масул ходими билан бирга урганланлиги хакидаги малумотномаси Удостоверение об осмотре объекта

Тип: Текстовое значение

Описание: В случай который участники не предоставили автоматический отстраняется от участия в закупочных процедур

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBI SANGZOR XФ	20	Обектни бюртмачи масул ходими билан бирга тулик урганиб чиқилди, малумотнома илова килинади	20	Экспертная		
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	20	Объект тулик урганилди	10	Экспертная		

Критерий №10 Иштирокчининг объектга ўхшаш объектлар бажарганлиги хакидаги З йиллик иш тажрибаси Опыт

работы по типичным работам последнего 3 года

Тип: Текстовое значение

Описание: Максимальные баллы присваиваются претенденту с наилучшими показателями и опытом работы.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OBI SANGZOR XФ	10	корхонамизинг ухшаш объектларда куп йиллик иш тажрибаси мавжуд, акт-ввод ва счёт фактуралар илова килинади	10	Экспертная		
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	10	бажарилгаг ишлар руйхати	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	1 598 172 467.00	1 578 001 568.00	02.06.2022 18:34:15	14.97
OBI SANGZOR XФ	1 598 172 467.00	1 574 925 000.00	02.06.2022 09:54:30	15.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH	62.9	14.97076	77.87076
OBI SANGZOR XФ	80.75	15	95.75

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 94149 от 03.06.2022 года на приобретение А.Кодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтига карашли Ш.Рашидов тумани Гандумтош КФЙ Куёвбоши маҳалласи Фориш кучасида жойлашган 12-сонли укув биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

OBI SANGZOR XФ
205172807

и резервный исполнитель: ООО JIZZAX YO'L QURISH-TA'MIRLASH (305396595)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	SUVANOV SAXOB BERDIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	JUMANOV OLIK FARMOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	TURAYEV FURKAT XAZRATOVICH	Согласен	
Член комиссии	NURULLAYEV AXROR OBLOQULOVICH	Согласен	

Член комиссии	QORYOG'DIYEV ARTUR ZAYNIDDINOVICH	Согласен	
---------------	-----------------------------------	----------	--

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП